

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№1/2018(136) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Баходир ДЕХҚАНОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколоти берилган.

Босишга 02.02.2018 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 5710 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

#### **2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал  
кодексини тасдиқлаш ҳақида*

#### **3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

*Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал  
кодексини тасдиқлаш ҳақида*

#### **4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини  
юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида*

#### **5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Пленумининг қарорлари*

#### **44. Суд амалиёти**

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг  
Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш  
хақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 14 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси тасдиқлансин.\*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор

қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2018 йил 22 январь  
№ ЎРҚ—460*

*\*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 6 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси тасдиқлансин.\*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор

қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2018 йил 24 январь  
№ ЎРҚ—461*

*\*Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг  
Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги  
кодексини тасдиқлаш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси тасдиқлансин.\*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор

қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2018 йил 25 январь  
№ ЎРҚ—462*

*\*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

# Қ А Р О Р И

2017 йил 29 ноябрь

№ 44

Тошкент шаҳри

## Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиётида вужудга келган масалалар ва фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига биноан ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни талабларининг оғишмай бажарилиши фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади.

2. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишларини кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

ларни тасдиқлаш тўғрисида" 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсиясини ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида"ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 26 октябрда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқ-

нома ва ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари қўлланиши лозим.

3. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида" 1993 йил 3 сентябрдаги 939-XII-сонли Қарорига мувофиқ Қонун татбиқ этилгунга қадар амалда бўлган:

пенсиялар тайинлашда ва пенсияларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффициентларини қўллаш;

илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда Қонун амалга киритилгунга қадар ишлаган шахсларнинг ёшига қараб имтиёзли пенсия билан таъминланиш тартиби сақлаб қолинган.

4. Судларга тушунтирилсинки, Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори

билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ пенсияларни тайинлаш ва тўлаш, шунингдек, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) томонидан амалга оширилиб, уларнинг қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси юқори турувчи органларининг фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкин.

5. Давлат пенсия таъминотида оид ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги ишлар судда кўрилиши мумкин:

иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини белгилаш ҳақидаги;

иш стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг тегишлилик фактини белгилаш ҳақидаги;

иш ўринларининг аттестация қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги;

фаолиятнинг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги асоси бўйича Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг фаолият даврларини меҳнат стажига кўшишни рад этиш ҳақидаги қарорлари устидан шикоят бериш;

Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича ко-

миссиясининг пенсия тайинлашни рад этиш, пенсияни бир турдан бошқа турга ўтказишни рад этиш, пенсиядан чегирмалар қилиш тўғрисидаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди ва аризани иш юритувига қабул қилиш масаласини ҳал қилиш вақтида ҳар қандай ҳуқуқ бузилиши суд орқали тикланиши мумкинлигидан, шунингдек, фуқароларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқларининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай факт белгиланиши мумкинлигидан келиб чиқиш лозим.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иш ҳақи миқдори ҳамда суғурта бадали тўланганлиги тегишли ҳужжатлар (штат жадвали, тўлов ведомости, тўлов топшириқномаси ва бошқалар) билан тасдиқланиши сабабли бундай юридик фактларни суд томонидан белгилашга йўл қўйилмайди.

6. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ юридик фактларни белгилаш ҳақидаги аризалар, шунингдек пенсия олиш билан боғлиқ ҳуқуқни амалга ошириш ҳақидаги даъво аризалар фуқаролик ишлар бўйича судларга, Пенсия жамғармаси органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га нисбатан шикоятлар эса, маъмурий судларга тааллуқлидир.

Ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда касб касаллигига учраганлиги ёки меҳнатда майибланганлиги оқибатидаги ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлиги учун, шунингдек ёшга доир пенсия ёшига тўлгунга қадар Қонунни 12-моддасининг "б" бандига мувофиқ

тайинланган пенсияларни корхона ва ташкилотлардан регресс тартибида ундириш тўғрисидаги даъволар иқтисодий судларга тааллуқлидир.

7. Судлар назарда тутиши лозимки, Қонунда қуйидаги давлат пенсия турлари белгиланган:

ёшга доир пенсия;

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Пенсия турлари бир-биридан вужудга келиш вақти ва асослари билан фарқланиши ва бу ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли, судлар пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни кўришда фуқаро даъво қилаётган пенсия тури ва пенсия тайинлаш ҳуқуқининг вужудга келганлик асосларини аниқ белгилаши талаб этилади.

8. Судларга тушунтирилсинки, Қонуннинг 37-моддасига асосан, ёшга доир умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш учун фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шакллари билан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига кўшиб ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ёшга доир пенсиядан фарқли равишда меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия тайинлашда иш стажининг давомийлиги юридик аҳамиятга эга эмас. Иш стажининг давомийлиги 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсия тайинлашда ҳам аҳамиятга эга бўлмайди. Қонунни 1-моддасининг тўртинчи қисмига асо-

сан, иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслиги қайд этилганлиги сабабли, иш стажининг давомийлиги эмас балки мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аҳамият касб этади. Бундай шахсларнинг ижтимоий таъминланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

Умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсияси, шунингдек, умумий касаллик оқибатида боқувчисини йўқотган шахсларга пенсия ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик туфайли вужудга келган вақтда Қонуннинг 17-моддаси билан белгиланган иш стаж мавжуд бўлган тақдирда тайинланади.

Етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган (Қонуннинг 17-моддаси) умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади, ногиронлик пенсияси тайинлаш учун етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотган оила аъзоларига эса, пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб миқдорда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик учун пенсияга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар Қонуннинг 19-моддасида белгиланган, боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасидан келиб чиқиши лозим.

9. Судлар назарда тутиши лозимки, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ходим-

га тўланадиган иш ҳақи шаклидаги даромадлардан ҳисобланади ва ушлаб қолинади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддаси).

Пенсия жамғармасига ҳисобланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларида шакллантирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судлар иш берувчининг ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли иш даврини стажга қўшмаганлик билан боғлиқ низоларни кўришда, бу ҳолат иш фаолияти даврини ходимнинг иш стажидан чиқариш учун асос бўлмаслигини инobatга олишлари лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан, барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиниши лозим бўлиб, давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар иш берувчилар, шунингдек, суғурталанган ходимларнинг ўзлари томонидан тўланади.

10. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эрақлар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, пенсия ёшига етган ва етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган шахслар ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Пенсия ёшига етган ва етарли миқдорда иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия Қонунни 37-моддаси биринчи қисмининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стаж мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

11. Иш фаолиятининг муайян даврини ҳисобга олинади-

ган иш стажига қўшиш ёки қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўриш вақтида судлар Қонуннинг 37-моддаси талабларидан келиб чиқиши лозим.

Хусусан, иш стажига:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-конқутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларидаги фаолият Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хо-

тинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Қайд этилган "д"- "и" кичик бандларида назарда тутилган даврлар ушбу банднинг "а"- "г" кичик бандларида кўрсатиб ўтилган умумий иш стажикамида 7 йил бўлган тақдирда, иш стажига кўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига ушбу "д"- "и" кичик бандларида назарда тутилган даврлар қайд этилган банднинг "а"- "г" кичик бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга кўшиб ҳисобланади. Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга кўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсия миқдорини ошириш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, Қонунни 27-моддасининг "г" бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 35-

бандига мувофиқ 1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узр-сиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115 ва 139-моддаларига асосан, жамоа хўжалигида ишланган вақтнинг амалда давом этган даври байрам кунларини ҳисобдан чиқарган ҳолда олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

Жамоа хўжалигида меҳнатда иштирок этганлик ҳолати қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланади:

меҳнатнинг ҳақиқий даври ва муайян йилда меҳнатда иштирок этиш минимуми кўрсатилган хўжалик аъзосининг меҳнат дафтарчаси;

хўжаликнинг ҳар бир аъзосига кадрлар бўлими томонидан меҳнатнинг ҳақиқий даври ва муайян йилда меҳнатда иштирок этиш минимуми тўғрисида маълумотлар акс эттирилган ҳолда юритилиши лозим бўлган шахсий карточка;

жамоа хўжалиги бошқарувининг ҳар йилда ўтказилиб келинган ва хўжалик аъзоларининг меҳнатда иштирок этиш минимуми белгиланган қарори.

Шу муносабат билан судлар шуни назарда тутиши лозимки, меҳнат стажини ҳисоблаш вақтида юқорида кўрсатилган икки асос мавжуд бўлган ҳолда жамоа хўжалиги бошқарувининг бундай қарори талаб этилиши ортиқча ҳисобланади.

Жамоа хўжалиги бошқарувининг меҳнатда иштирок этишнинг минимумини белгиловчи қарори мавжуд бўлмаган ҳолларда, судлар, бир йил учун қабул қилинган қарорга мувофиқ, кейинги икки йил учун меҳнатда иштирок этиш минимуми фактини белги-

лашга ҳақлидир (масалан, 1980 йил учун бошқарув қарори мавжуд бўлганда, 1981-1982 йиллар учун меҳнатда иштирок этишнинг минимум факти белгиланади).

Судларга тушунтирилсинки, бундай факт муайян давр учун жамоа хўжалиги бир аъзосининг меҳнатда иштирок этишнинг минимуми кўрсатилган меҳнат дафтарчаси асосида бошқасининг меҳнат дафтарчасида эса бундай маълумотлар кўрсатилмаган ҳолларда ҳам тасдиқланиши мумкин.

13. Ижодий фаолият билан машғул ходимнинг меҳнат фаолияти даврини иш стажига қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўришда судлар ижодий фаолият билан машғул бўлган ижодий уюшмалар аъзоларига 1991 йил 1 январгача иш стажини, агар ана шу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдида ижро этилган (намоиш этилган) кундан эътиборан, 1991 йил 1 январдан бошлаб эса улар фақат Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари томонидан белгиланганидан келиб чиқиш лозим.

14. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларидаги фаолият даврини пенсия олишга ҳуқуқ берувчи иш стажига қўшиш билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсиясини ҳисоблаш учун олинган иш стажини ва иш ҳақи миқдо-



рини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори таллабларидан келиб чиқиши лозим.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, суғурта бадаллари тўловчилари:

якка тадбиркорлар;  
якка тадбиркорлар томонидан ёлланган шахслар;  
оилавий тадбиркорлик субъектининг оила аъзолари;  
деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари;  
шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Бундай шахсларнинг меҳнат дафтарчаларига 2001 йилга қадар ёзувлар Пенсия жамғармасида мавжуд бўлган маълумотлар асосида, 2001 йилдан кейин эса солиқ органларининг суғурта бадаллари тўланганлиги ҳақидаги маълумотлари асосида киритилган. Бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат стажи Пенсия жамғармасида сақланганидан шахсий ҳисобга олиш варақаси асосида, шунингдек, тадбиркорнинг Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларини ҳисобга олиш китобида белгиланиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, судлар шунга эътибор қаратиши лозимки, ушбу ҳужжатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд эмаслиги талаб қилинаётган меҳнат фаолияти даврини тасдиқлаш учун асос бўла олмайди, чунки қонун ҳужжатларида суғурта бадаллари тўланганлик фактини гувоҳлар кўргазмаларига асосан тасдиқлаш тартиби назарда тутилмаган.

15. 1992 йил 13 мартдаги "Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат иштирокчиларининг фуқароларини пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги Келишув" 6-моддасининг 2-бандига мувофиқ мазкур Келишув кучга киргунга қадар фуқаронинг барча давлат иштирокчиларининг ҳудудидаги иш даври Қонуннинг 37-моддаси талабларини қўлламаган ҳолда иш стажига қўшилади. Судлар бу Келишув Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 18 июлдан кучга кирганлигини назарда тутиши лозим.

Чет элда ёлланган ҳолда ишлаган даврни иш стажига қўшмаслик билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган "Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини қўллашлари талаб этилади.

Судларга тушунтирилсинки, меҳнат шартномаси (контракти) асосида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатнома олган чет элда ёлланган ҳолда ишловчи Ўзбекис-

тон Республикаси фуқароси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан хорижий давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйлари, ваколатхоналар (шу жумладан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда), ташкилотларда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 13-моддасига асосан, ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ агентлари ҳисобланади. Солиқ агентларига суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек, уларнинг ҳисоблаб чиқариш тўғрилиги учун жавобгарлик ҳам юклатилган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ иш берувчиларнинг муайян тоифалари, хусусан, хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари (элчихона ёки миссиялар), консуллик муассасаларига (бош консуллик, консуллик, вице-консуллик ёки консуллик агентлиги) ёки Ўзбекистон Республикасидаги халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотларга Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш бўйича мажбуриятлар юклатилмаган.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти юклатилмаган иш берувчиларда ишлаган иш даврининг иш стажига қўшилмаганлиги билан боғлиқ низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 311-моддаси-

нинг саккизинчи қисми та-  
лабларидан келиб чиқиши та-  
лаб этилади, унга кўра, қонун  
ҳужжатларига мувофиқ суғур-  
та бадалларини ҳисоблаш ва  
ушлаб қолиш мажбурияти  
зиммасига юклатилмаган иш  
берувчидан даромадлар олув-  
чи жисмоний шахслар суғур-  
та бадалларини жами йиллик  
даромад тўғрисидаги декла-  
рацияда кўрсатилган меҳнат-  
га ҳақ тўлаш тарзидаги даро-  
мадлар суммасидан келиб  
чиққан ҳолда, суғурта бадал-  
ларини тўлаш ҳақида жами  
йиллик даромад тўғрисидаги  
декларацияни тақдим этиш  
билан бир вақтда бериледи-  
ган ариза асосида ихтиёрий  
равишда тўлайди.

17. Бола уч ёшга тўлгунга  
қадар болани парваришlash  
таътилларида бўлиш вақтини  
иш стажига қўшмаслик билан  
боғлиқ низоларни кўриш вақ-  
тида, судлар Ўзбекистон Рес-  
публикаси Вазирлар Маҳқа-  
масининг 2011 йил 8 сентябр-  
даги 252-сонли қарори бил-  
ан тасдиқланган "Давлат  
пенсияларини тайинлаш ва  
тўлаш тартиби тўғрисида"ги  
Низоми 35-бандининг "ж" кич-  
ик банди, 66-банди талабларидан  
келиб чиқиши лозим  
бўлади.

Судларга тушунтирилсинки,  
юқорида кўрсатилган Низом-  
га асосан, болани парвариш-  
lash таътилида бўлиш (шу  
жумладан, пули тўланадиган  
таътилда бўлиш) даври ёшга  
доир имтиёзли пенсия олиш  
ҳуқуқини берадиган махсус  
иш стажига қўшилмайди.

18. Судлар шуни назарда ту-  
тиши лозимки, Қонуннинг 9-  
14-моддалари қоидаларига  
мувофиқ ходимларнинг алоҳи-  
да тоифаларига ёшга доир  
пенсия ёши кам бўлган, те-  
гишли ҳолларда эса иш ста-  
жи кам бўлган ҳолда ҳам  
Қонуннинг 7-моддасида бел-  
гиланган тартибга мувофиқ  
тайинланади.

Умумий белгиланган ёшга  
етгунга қадар ёшга доир пен-  
сия тайинлашнинг шартлари-  
дан бири бўлиб, муддатидан

илгари ёшга доир пенсия бел-  
гилаш учун асос бўладиган  
қонун билан белгиланган дав-  
рийликдаги иш стажининг  
мавжудлиги ҳисобланади.

Хусусан, Қонунга мувофиқ  
имтиёзли асосларда пенсия-  
лар ёшидан қатъи назар му-  
айян шахсларга пенсия ёши  
(10 йил, 5 йил ва 1 йилга) қис-  
қартирилган ҳолда, лилпутлар  
ва паканаларга, шунингдек,  
технологиядаги, ишлаб чиқа-  
риш ва меҳнатни ташкил этиш-  
даги ўзгаришлар, ходимлар  
сони (штати) ёки иш хусуси-  
ятининг ўзгаришига олиб кел-  
ган ишлар ҳажмининг қисқар-  
ганлиги ёхуд корхона, муас-  
саса, ташкилотнинг тугатил-  
ганлиги муносабати билан  
ишдан озод этилган ва ишсиз  
деб эътироф этилган шах-  
сларга тегишли иш стажига эга  
бўлган ҳолларда, пенсия ёши  
2 йилга қисқартирилган ҳол-  
да, муддатидан илгари тайин-  
ланиши мумкин.

19. Имтиёзли равишда пен-  
сия олиш ҳуқуқига Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳ-  
камаси томонидан тасдиқлан-  
ган рўйхатларга асосан фуқа-  
роларнинг алоҳида тоифалари  
эгадир.

Судлар Пенсия жамғарма-  
сининг имтиёзли шартларда  
пенсия тайинлашни рад эти-  
ши билан боғлиқ низоларни  
кўришда Ўзбекистон Респу-  
бликаси Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг 1994 йил 12 майдаги  
250-сонли қарори билан тас-  
диқланган Талаб қилинадиган  
умумий ва махсус иш стажига  
бўлганда, ёшидан қатъи на-  
зар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини  
берувчи ишлаб чиқаришлар,  
муассасалар, ишлар, касблар  
ва лавозимларнинг Рўйхат-  
ларига асосланиши лозим  
бўлади.

20. Иш ўринларининг меҳ-  
нат шaroитлари бўйича аттес-  
тация қилинганлиги тўғри-  
сидаги далиллар мавжуд бўл-  
маганлиги сабабли меҳнат  
даврининг умумий пенсия  
ёшини қисқартирган ҳолда им-  
тиёзли пенсия олиш ҳуқуқини  
берувчи иш стажига қўшилма-

ганлиги билан боғлиқ низо-  
ларни кўриш вақтида, судлар  
Ўзбекистон Республикасининг  
"Меҳнатни муҳофаза қилиш  
тўғрисида"ги Қонунининг 14-  
моддасига мувофиқ иш ўрин-  
ларининг меҳнат шaroитлари  
бўйича аттестацияси даврий-  
лиги қонун ҳужжатларида бел-  
гиланадиган, бироқ беш йил-  
да камида бир марта иш бе-  
рувчи томонидан ўтказилиши-  
дан келиб чиқиши лозим бўла-  
ди.

Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат кодексининг 211-мод-  
дасига мувофиқ иш берувчи  
меҳнатни муҳофаза қилиш та-  
лабларини бузганлик учун жа-  
вобгарлик айнан иш берувчи-  
га юклатилган.

Шундан келиб чиққан ҳол-  
да, судлар зарарли меҳнат ша-  
роитларида ишлаганлик фак-  
тини белгилаш ҳақидаги иш-  
ларни кўриш вақтида, иш  
ўринларининг меҳнат шaroит-  
лари бўйича аттестациядан  
ўтказилмаганлиги ходимнинг  
айби эмаслигини инobatга  
олган ҳолда, бузилган ҳуқуқ-  
ни тиклаш учун барча лозим  
бўлган чораларни кўриб, шу  
жумладан, бошқа даврлар  
учун меҳнат шaroитлари бў-  
йича иш ўринларининг аттес-  
тацияси ўтказилганлигини  
текшириш ва унинг натижаси-  
дан келиб чиқиши лозим.

Судлар шуни назарда тути-  
ши лозимки, Ўзбекистон Рес-  
публикаси Фуқаролик процес-  
суал кодексининг 59-моддаси-  
дан келиб чиққан ҳолда ишнинг  
характерини белгиловчи хусу-  
сиятларини (муайян шaroитда-  
ги ишлар) тасдиқловчи ва  
муддатидан илгари ёшга доир  
пенсия тайинланишига таъсир  
қиладиган далилларга гувоҳ-  
лар кўрсатмалари киритилмай-  
ди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон  
Республикаси Фуқаролик про-  
цессуал кодексининг 56-мод-  
дасида кўрсатилган далиллар  
билан тасдиқланиши мумкин  
(масалан, буйруқлар, ҳисоб-ки-  
тоблар, нарядлар, мансаб ва-  
зифалари ва ҳоказо).

Судларнинг эътибори шун-  
га қаратилсинки, Ўзбекистон

Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" - ги Қонунининг 28 ва 29-моддаларига асосан, меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иш юритишга ҳақлидир. Шунинг учун зарурат туғилган пайтда, бундай шахслар судда иштирок этиши ёки улардан кўрилатган иш бўйича хулоса олиш масаласини ҳал қилиш лозим.

21. Пенсия жамғармаси томонидан, фуқаронинг фикрига кўра, муддатидан илгари пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган стажга қўшилиши лозим бўлган даврни бундай стажга қўшиш рад этилган ҳолларда, назарда тутмоқ лозимки, даъвогар томонидан бажарилаётган ишларнинг, у эгаллаб турган лавозимнинг, мавжуд касбнинг муддатидан илгари пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган ишлар, лавозимлар, касбларга ўхшашлиги масаласи суд мажлисида аниқланган ҳар бир ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда (даъвогар томонидан бажарилаётган ишларнинг характери ва ўзига хослиги, амалга ошириш шароитлари, эгаллаб турган лавозими бўйича ёки мавжуд касб бўйича у томондан бажарилаётган функционал вазибалар, шунингдек, у ишлаган корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг йўналишлари ва ҳоказо) аниқланади. Шу билан бирга, турли хил номланадиган ишлар, касблар, лавозимларнинг ўхшашлигини тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Шундан келиб чиқиб, зарур бўлган ҳолларда суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муно-

сабатлари вазирлиги вакилларни иштироки ёки уларнинг хулосасини олиш масаласини ҳал этиш лозим.

22. Имтиёзли стажни ҳисоблашда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг Рўйхатлари;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан рўйхатга олинган "Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома қўлланилади.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартлар асосида пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқариш, корхона, ишлар, касблар, мансаблар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, 3-сонли Рўйхатларидан чиқарилган касблар Пенсия жамғармаси бўлимининг ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия тайинлашни рад этиш билан боғлиқ ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 4-моддасининг учинчи қисми талабларига риоя этиш зарур. Ушбу Қонун нормасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунига қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳуж-

жати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва Қонуннинг 42-моддасига биноан, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади. Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатиб ўтилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига, шунингдек, ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига киритилади.

Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек, меҳнат дафтарчасида зарур бўлган маълумотлар киритилмаган ёки иш даври ҳақидаги хато ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлганда, Пенсия жамғармаси иш стажини (банд бўлган шахснинг иш стажидан ташқари) тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқдан кўчирмалар, шахсий ҳисоб варақаси ва иш ҳақини бериш ҳақидаги ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлари), идоровий архив маълумотномалари ва иш даври ҳақида маълумотга эга бўлган бошқа ҳужжатларни қабул қилиши лозим.

Бунда ташкилот, корхона, муассаса ёки архив раҳбари, шунингдек, маълумотномани тайёрлаган ходим томонидан имзоланган ва корхона, муассаса, ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланган маълумотномада ишга қабул қилиш, иш (мансаб) бўйича ўзгартириш ва асосини кўрсатган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Шу муносабат билан судларга тушунтирилсинки, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланадиган ва Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган меҳнат фаолияти даврларини иш стажига қўшилмаган ҳолларда суд меҳнат фаолияти даврини белгилашга ҳақли эмас, чунки бундай факт меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланади.

Меҳнат фаолияти даври фактини бошқа тартибда тасдиқлашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд томонидан тасдиқланиши мумкин.

24. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 283-моддасининг 6-бандига асосан, суд шахсининг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортдаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини белгилайди.

Шунга кўра, судлар иш стажини тасдиқловчи ҳужжатни тегишлилиги фактини белгилашда ушбу фактни судсиз тартибда тасдиқлаш имкони

мавжуд бўлмаган ҳоллардагина тасдиқлаш мумкинлигига эътибор қаратиши лозим.

25. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечиктирмай корхона, муассаса, ташкилот ёки ариза берувчига рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган билдиришномани бериши ёки юбориши ҳамда барча тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан фуқаро (ота-она, қонуний вакил)га қайтариши шарт.

Қонуннинг 48-моддасига мувофиқ пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорга нисбатан судга шикоят берилиши мумкин.

Пенсия тайинлашни рад этиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширишда, суд Пенсия жамғармасининг қарорида кўрсатилган асосларни Қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар томонлама синчковлик билан текшириши лозим бўлади.

26. Судларга тушунтирилсинки, Қонуннинг 65-моддасига асосан пенсиядан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) Пенсия жамғармасининг қарорига биноан пенсионерга — унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмас-

лик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларида ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато тушунчалари ёритиб бермаганлигидан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасининг пенсиядан чегирмалар қилиш ҳақидаги қарорига нисбатан берилган шикоятларни кўришда, бу масала суд томонидан ҳал этилиши лозим.

Ҳисоб билан боғлиқ арифметик, математик ҳаракатларни (кўпайтириш, қўшиш, айириш, бўлиш) амалга оширишда йўл қўйилган нотўғриликлар ҳисоблашдаги хато деб топилиши лозим.

Бошқа техник хато деганда, дастурий таъминотга маълумотларни киритишда йўл қўйилган хато, шунингдек, дастурий таъминотнинг бузилиши оқибатида вужудга келган хатони тушуниш лозим.

Ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш, ҳисоб-китобни амалга оширишда тегишли бўлмаган (дахлдор бўлмаган) дастлабки маълумотлардан фойдаланиш ҳисоблашдаги хато ҳисобланмайди.

Пенсионернинг қонунга зид, пенсиянинг ортиқча суммаларини олишга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлари пенсионер томонидан қилинган суиистеъмоллик деб баҳоланиши лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят содир қилинганлиги натижасида пенсиянинг ортиқча тўла-ниш ҳолатлари вужудга келганида ортиқча тўланган сумма давлатга етказилган зарар сифатида айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши лозим.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, судлар пенсионернинг пенсиясидан чегирма қилиш ҳақидаги қарорнинг асослигини ҳар томонлама

текшириши лозим.

27. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1030-моддасига мувофиқ фуқаро томонидан виждонсизлик қилинмаганлиги ва ҳисоб-китобда хатолар бўлмаганлиги аниқланса, унга берилган пенсиялар, нафақалар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтарилмайди.

28. Судларга тушунтирилсинки, пенсиядан чегирмаларнинг миқдори ушлаб қолишнинг асосларига боғлиқ. Комиссия қарори асосида чегирмалар қуйидаги миқдорда амалга оширилади:

ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида — 10 фоиз;

қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жойлашганлигини яшириш — 30 фоиз; энг кам иш ҳақининг икки баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича — 5 фоиз.

Суднинг қарори ёки бошқа ижро ҳужжатида асосан ундирилмаган чегирма миқдори тўланиши лозим бўлган пенсия миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пенсия ёки нафақа олувчи қарздорликни ўрнини қоплаш учун унинг ёзма аризасига мувофиқ пенсия ва нафақалар суммаларини кўпроқ миқдорда, шу жумладан, шўлиқ миқдорда йўналтириш ҳуқуқига эга. Пенсия ёки нафақа олувчининг ёзма аризасида у томонидан белгиланган фоиз тарзидаги миқдор ёки қатъий сумма кўрсатилади.

Шунга кўра, судлар пенсиядан ушлаб қолиш ҳақидаги даъволарни қаноатлантиришда ойлик ушлаб қолиш миқдорини белгилаши лозим.

29. Судларнинг эътибори

шунга қаратилсинки, ортиқча тўланган пенсия миқдорини ундириш ҳақидаги талабларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган умумий уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарори чиқарилгунигача қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

30. Судларнинг эътибори ҳал қилув қарорининг хулоса қисми уни ижро этиш вақтида саволлар келтириб чиқармаслиги учун аниқ ва тушунарли қилиб баён этилиши лозимлигига қаратилсин. Шу мақсадда даъвогарнинг талаби қаноатлантирилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида хусусан қандай талаблар қаноатлантирилганлиги, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун жавобгар зиммасига қандай мажбурият юклатилаётганлиги (масалан, даъвогарнинг муайян иш даврини муддатидан илгари ёшга доир пенсия белгилаш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшиш мажбуриятини юклаш, жавобгардан тўланмаган пенсия суммасини ундириш), шунингдек, суд, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлашни асоссиз равишда рад этганлиги ҳақида хулосага келганда жавобгар зиммасига қайси вақтдан пенсия тайинлашга мажбурлиги кўрсатилиши лозим.

Назарда тутиш лозимки, агар даъвогар қонунда белгиланган тартибда Пенсия жам-

ғармасига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлиб, унга асоссиз рад берилган бўлса, суд бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига даъвогар Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилган кундан бошлаб пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

31. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига амал қилган ҳолда судлар бундай ишларни кўришда фуқароларнинг пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқларининг бузилиши, пенсия ва нафақа тайинлаш учун зарур бўлган нотўғри архив ва бошқа маълумотларни тақдим этиш фактлари аниқланган ҳар бир ҳолатга хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши зарур.

32. Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят маъмурий судларига тизимли равишда қуйи судлар томонидан фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётини ўрғаниб бориш орқали йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, қонун нормаларини тўғри қўллашни таъминлаши лозим.

33. Мазкур Қарор қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарори 2-бандининг тўққизинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2017 йил 29 ноябрь

№ 45

Тошкент шаҳри

## Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида

Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан бир хилда ва тўғри қўллаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда судлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида" ва "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек, суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши керак.

2. ФКнинг 914-моддасига

мувофиқ суғурта фуқаро ёки юридик шахснинг (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузadиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурта қилдирувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта эса, суғурталовчининг суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг) ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган тақдирда, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа суғурта ҳодисаси юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган суғурта пулини бир йўла тўлаш ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини назарда тутди.

ФКнинг 927-моддаси суғурта шартномасининг шаклига нисбатан талабни ўз ичига олган бўлиб, унга асосан бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи томонидан имзолаган ва суғурта шартномаси шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин.

Суғурта шартномасининг шаклига нисбатан белгиланган талабга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

2.1. Судлар суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда шунини инобатга олиши керакки, суғурта шартномасининг суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган суғуртанинг стандарт қоидалари асосида тузилган қисмига нисбатан қўшилиш шартномаси ҳақидаги ФКнинг 360-моддаси қоидалари қўлланиши лозим.

2.2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан имзоланган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилганида, суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

3. Суғурта пули миқдори ФК 929-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Суғурта пули тарафларнинг суғурта шартномасидаги келишувига асосан аниқланади ва ФК 934-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталашда ушбу миқдор, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, унинг асл нархидан (суғурта нархидан) ошиб кетмаслиги лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФК 938-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта қийматидан ортиқ бўлган суғурта пули қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади. Бундай ҳолатда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.

4. ФК 931-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи бундай шартномани тузиш вақтида ўзига маълум бўлган суғурта ҳодисаси юз бериши

эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли етказилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар деганда, суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган хавфни ўзига қабул қилган суғурталовчи томонидан баҳолаш учун аҳамиятли ҳолатлар деб тушуниш лозим.

5. ФКнинг 932-моддасига асосан мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганда суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурат бўлганда эса унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида баҳолашдан ўтказишни ташкил этишга, шахсий суғурта шартномаси тузилаётганида эса суғурта қилинаётган шахс соғлиғининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтиришга ҳақли.

ФК 935-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати миқдори ҳақида тарафлар ўртасида келишувга эришилган бўлса, унинг устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, агар шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан бу қиймат борасида била туриб чалғитилган бўлса, мол-мулкнинг суғурта қиймати миқдори устида низолашиш мумкин.

6. Судлар шуни назарда ту-

тиши керакки, агар суғурта қилдирувчида (наф олувчида) суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида келиб чиққан зарар миқдори суғурта шартномасида белгиланган зарар миқдоридан ошмаса ёки кам бўлса, ихтиёрий мулкий суғурта шартномасининг шартларида суғурта товонини тўлашни истисно қилувчи қоида белгилаб қўйилиши мумкин (франшиза). Франшиза муайян фоиз ёки аниқ миқдорда белгиланиши мумкин.

7. ФКнинг 947-моддасига кўра, суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга киради ва унинг шартлари, агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

8. ФК 942-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Бундай оқибатлар сифатида суғурта шартномаси, хусусан, навбатдаги суғурта бадаллари тўланмаганда суғурталовчининг суғурта шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ёки мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўланган суғурта бадали қайтарилмайди.

8.1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шартномада навбатдаги суғурта бадаллари тўланмаганлиги муносабати билан шартномани бекор қилиниши ҳақидаги шартнинг мавжудлиги, агар

суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчини суғурта шартномасини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди. Бундай ҳолатда суғурталовчи мулкний суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

8.2. Агар суғурта шартномасида навбатдаги суғурта бадалини тўламаганлик учун суғурталовчининг суғурта шартномасини бекор қилиш талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлса ва бундай ҳолат юз берганда суғурталовчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаганда, у суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин эмас, лекин мулкний суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

8.3. Навбатдаги суғурта бадалини тўламаганлиги сабабли суғурта шартномасидаги мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга хоҳишини билдирмаган суғурталовчи шартноманинг амал қилиши муддати давомида суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши кечиктирилган навбатдаги суғурта бадалини ундириш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган қоида, агар суғурта шартномасининг шарт-

лари билан суғурта мукофоти бир йўла тўланиши белгиланган бўлса ёки суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлашда дастлабки бадални тўлаш амалга оширилмаган бўлса, татбиқ этилмайди.

9. ФКнинг 917-моддасига кўра, мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилинадиган мол-мулк деганда, сақланишига қонуний манфаатдорлик мавжуд бўлган, яъни содир бўлишида эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлган ҳодиса юз бериши натижасида (тўлиқ ёки қисман) йўқотилиши ёхуд зарар етказилиши мумкин бўлган ва ҳодиса юз бериши билан етказилган зиён тўғридан-тўғри пул кўринишида баҳоланадиган ФКнинг 81-моддасида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқларининг объеклари тушунилади.

Мулкни суғурта қилишда, қонун ёки битим асосида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) тегишли мол-мулкнинг йўқолиши (нобуд бўлиши), камайиши ёки зарарланиши хавфи билан боғлиқ мулкний манфаатдорлик суғурта объекти бўлади.

Агар ФК 917-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, суғурталовчи томонидан суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида (наф олувчида) манфаат бўлмаганлиги сабабли мол-мулкни суғурта қилиш шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида арз қилинганда, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс манфаатдор бўлмаганлигини исботлаш мажбурияти суғурталовчи зиммасига юклатилади.

10. Гаровга қўйилган мол-

мулкни суғурта қилиш шартномасини тузишда, гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан ўз манфаатлари қаноатлантирилиши муносабати билан гаровга олувчи ФКнинг 917-моддасига мувофиқ ўзи учун мол-мулкни сақланишидан ва уни сақланишини таъминланишида манфаатдор бўлиши лозим. Бундай ҳолатда гаровга олувчи суғурта шартномаси бўйича наф олувчи ҳисобланади.

11. Мулкний суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси деганда, шартномада назарда тутилган ва унинг содир бўлиши натижасида суғурталовчининг суғурта товонини тўлаб бериш мажбурияти вужудга келадиган воқеа тушунилади.

Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа, зарар етказилиши ва юзага келган воқеа билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш фактини ўз ичига олади ҳамда суғурталаш амалга оширилган воқеанинг юз бериши натижасида зарар етказилиши (суғурталанган мулкнинг зарарланиши ёки камайиши, унинг йўқолиши ёхуд нобуд бўлиши ва бошқалар) билан юзага келган деб ҳисобланади.

11.1. Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда содир бўлса-да, етказилган зарар шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг аниқланса, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс (суғурта қилдирувчи, наф олувчи), агар зарар шартнома амалда бўлган даврида етказилган ёки етказилиши бошланган бўлса, суғурта товонини талаб қилишга ҳақли. Ушбу ҳолатда зарар суғурта шартномаси амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланганлиги-



ни исботлаш мажбурияти суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зиммасига юклатилади.

Агар иш ҳолатларига кўра зарар келиб чиқишининг аниқ даврини аниқлашнинг имкони бўлмаса, зарар аниқланган пайтда етказилган ҳисобланади.

11.2. Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда юз берган бўлса-да, зарар етказилиши унинг амал қилиш даври тугагандан кейин бошланган бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳисобланади ва суғурталовчи, суғурта қилдирувчи томонидан ФКнинг 951-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда, суғурта товонини тўлашга мажбур бўлади.

11.3. Суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ва олдиндан тахмин қилинган ҳамда у келиб чиқиши мумкинлиги сабабли суғурта қилинган воқеа эҳтимоллик ва тасодифийлик белгиларига эга бўлиши лозим. Бунда воқеа суғурта шартномасини тузиш пайтида шартнома иштирокчилари унинг содир бўлишини билмаган ва содир бўлиши ёхуд содир бўлмаслигини билиши мумкин ҳам бўлмаган тақдирда тасодифий деб тан олинади.

12. ФКнинг 951-моддасида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида мулкий суғурта шартномасида белгиланган муддат ва усулда суғурталовчини хабардор қилиш мажбурияти белгиланган.

Судлар шуни инобатга олиши керакки, суғурта қилдирувчи зиммасига фақатгина суғурта ҳодисаси ҳақида муайян вақт ва усулда хабар бериш мажбурияти юкланади. Қонун билан суғурта қилдирувчига (наф олувчига) ушбу хабарнома билан бир вақтда суғурта тўловини олиш учун лозим бўлган барча зарур ҳужжатларини тақдим

қилиш мажбурияти юкланмаган.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида шартномада белгиланган муддатда ва усулда суғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятининг бажарилмаслиги суғурталовчига суғурта товонини тўлаб беришни рад этиш ҳуқуқини беради. Бунда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида суғурталовчи ўз вақтида билганлигини ёхуд суғурталовчида бундай маълумот мавжуд эмаслиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир қилмаслигини, яъни бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги унинг (суғурталовчининг) суғурта ҳодисасининг ҳақиқатда содир бўлганлиги ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш имкониятига таъсир қилмаслиги ҳақидаги далилларни тақдим қилиб, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этганлиги юзасидан низолашиш имкониятига эга.

Судлар шуни инобатга олиши керакки, шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида қонунда белгиланган муддатда ва усулда тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда суғурталовчини хабардор қилиши лозим.

13. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурта шартномасидан келиб чиқади ва суғурта ҳодисаси натижасида келиб чиққан зарарлар учун жавобгарлик ҳисобланмайди. Суғурта шартномаси кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурталовчида шартномада ва суғурталаш қоидаларида кўрсатилган тартиб, шартлар ва муддатда муайян пул суммасини тўлаб бериш мажбурияти юзага келади.

13.1. Агар мажбурият уни бажарилиши лозим бўлган

кун ёки даврни ёхуд мажбуриятни бажариш даврини аниқлаш имкониятини назарда тутса ёки йўл қўйса, мажбурият ушбу кунда ёки даврининг ҳар қандай пайтида бажарилиши лозим. Ушбу асосда ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фозилар суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этган, тўлиқ ҳажмда тўламаган пайдан ёхуд қонунда ёки суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини тўлаш муддати тугаган пайдан бошлаб ҳисобланиши лозим.

13.2. Агар ихтиёрий мулкий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида етказилган зарарларни (суғурталанган мол-мулкни эскиришини ҳисобга олган ёки ҳисобга олмастан) ҳисоблаш усуллари ни танлаш ҳуқуқи берилган бўлса, судлар суғурта товонининг миқдори ҳақидаги низони ҳал қилишда шартноманинг тарафлар томонидан келишилган шартларидан келиб чиқиши керак.

13.3. Суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида кредит шартномаси бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи ва наф олувчи фойдасига тўлаб берилиши керак бўлган суғурта товони миқдори юзасидан низо келиб чиқса, суғурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори суғурта шартномаси шартларига мувофиқ аниқланади.

13.4. Суғурта ҳодисаси оқибатида мол-мулк нобуд бўлган, яъни у тўлиқ йўқолган ёки қайта тикланмайдиган тарзда шикастланган тақдирда, агар шартномада суғурта товонининг бошқа миқдори кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлиқ миқдорда тўлаб берилади.

13.5. Суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанган мол-мулкка зарар етказилиб, у бутунлай йўқолмаган, лекин ун-

дан дастлабки ҳолатдагидек фойдаланишнинг имкони бўлмаса, суғурта товони миқдори суғурта пули ва суғурталанган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Бундай ҳолатда ФКнинг 958-моддасига биноан суғурта қилдирувчи суғурталовчининг розилиги билан суғурталанган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқларини унга ўтказиши ва суғурта товонини суғурта пулининг тўлиқ ҳажмида олиши мумкин.

13.6. Товар қийматининг йўқолиши деганда, йўл-транспорт ҳодисаси сабабли транспорт воситаси кўри-нишининг (ташқи) ва фойдаланиш сифатининг ёмонлашиши, мустаҳкамлигининг камайиши, унинг алоҳида қисмлари, ускуна ва агрегатлари, боғловчи ва ҳимоя қопламаларининг муддатидан олдин ёмонлашиши ҳамда таъмирлашга олиб келиниши натижасида транспорт воситаси қийматининг камайиши тушунилади.

Товар қийматининг йўқолиши, транспорт воситасини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмларнинг қиймати билан бир қаторда ҳақиқий зарар ҳисобланади. Шу сабабли, агар томонлар суғурта суммаси қийматини белгилашда товарлик қийматининг йўқолишини ҳам назарда тутган бўлса, суғурта қилдирувчига уни тўлаб беришни рад этиш мумкин эмас.

13.7. Агар ихтиёрий суғурта шартномасида суғурталанган мол-мулкни тиклаш (таъмирлаш) суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, у томонидан тиклашни (таъмирлашни) амалга ошириш бўйича мажбурият шартномада белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суғурта қилдирувчи тиклашни (таъмирлашни) амалга ошириш ҳақида учинчи шахсларга топшириқ беришга ёхуд уни ўз кучи билан амалга оши-

риш ва сарфланган харажатларни суғурта тўлови доирасида суғурталовчидан талаб қилишга ҳақли.

14. Суғурталанган мол-мулкни сотиб олиш учун пул маблағи қарз шартномаси асосида олинган ва суғурта шартномаси бўйича наф олувчи ҳисобланган кредитор суғурта товонини олиш ҳуқуқидан воз кечган ҳолларда, суғурта манфаати сақланганлиги сабабли бу ҳуқуқ суғурталовчи олдида ҳам, кредитор олдида ҳам ўз мажбуриятини виждонан бажарган суғурта қилдирувчига ўтади.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФКнинг 955-моддасида белгиланган асосларга кўра суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни рад этиши мумкин.

15.1. ФК 955-моддасининг учинчи қисмида суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этганлиги юзасидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг унга (суғурталовчига) нисбатан судга даъво бериш орқали низолашиш ҳуқуқи белгиланган.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан ушбу ҳуқуқдан фойдаланилганда, даъво аризасидаги талаб тўлашни рад этишни ноқонуний деб топиш ҳақида эмас, балки суғурта товонини ёки суғурта пулини ундириш ҳақида бўлиши лозим. Бундай даъво бўйича ишларни кўришда судлар ФКнинг 955-моддасида назарда тутилган суғурта товонини тўлашни рад этиш учун асослар мавжудлигини аниқлаши керак.

15.2. Агар суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ёхуд суғурта товони миқдорини камайтиришни суғурта қилдирувчи ёки наф олувчининг кўпол эҳтиётсизлиги

оқибатида суғурта ҳодисаси юз берганлиги билан асослаган бўлса, судлар шуни эътиборга олиши лозимки, бундай вазиятда суғурталовчини суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилиш фақат қонунда тўғридан-тўғри белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Қонунда белгиланмаган кўпол эҳтиётсизлик оқибатида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ҳуқуқи назарда тутилган суғурта шартномасининг шarti ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

15.3. Суғурталовчининг суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этишининг ҳаққонийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судлар нафақат ихтиёрий мулкий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни, балки суғурта ҳодисаси юз берганлигини, суғурта ҳодисаси натижасида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан кўрилган зарарнинг миқдорини тасдиқловчи шартномада кўрсатилмаган ҳужжатларни ҳам инобатга олиши лозим.

16. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, ФК 943-моддасининг биринчи қисмида суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ҳолатлар қайд этиб ўтилган ва ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди, чунки суғурта шартномаси (ёки унинг қисми) ФК ва бошқа қонунларда кўрсатилган бошқа ҳолларда ҳам ҳақиқий бўлмаслиги мумкин.

Хусусан, ФКнинг 916, 917, 920 ва 957-моддалари, шунингдек бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ҳам суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

17. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси қонунда назарда тутилган асосларга кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли у

ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

Хусусан, ФК 921-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

ФК 931-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлгон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли, суғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган ҳоллар бундан мустасно.

ФК 938-моддасининг тўртинчи қисмига асосан, агар суғурта шартномасидаги суғурта пулини ошириб юбориш суғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етказилган зарар унинг суғурта қилдирувчидан олган суғурта пули суммасидан ортиқ миқдорда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Суғурталовчи номидан суғурта агенти ёки суғурталовчи томонидан берилган ишончномада кўрсатилган ваколатларни амалга оширувчи бошқа шахс томонидан ўз ваколати доирасидан четга

чиққан ҳолда суғурта шартномасининг тузилганлиги, агар ушбу шартнома белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, суғурталовчини суғурта товонини тўлашдан озод қилиш учун асос бўла олмайди.

Агар суғурта қилдирувчи суғурта шартномасини тузишда суғурта агенти ёки бошқа шахс суғурталовчи томонидан белгиланган чекловлар чегарасидан чиққанини билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган бўлса, битим суғурталовчининг талаби бўйича ФКнинг 126-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

18. ФКнинг 957-моддасига мувофиқ, агар мулкый суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади. Бироқ, шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларида талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтиши учун талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақида алоҳида келишув тузилиши назарда тутилмаган. Ушбу ҳуқуқнинг ўтиши ФКнинг 957-моддаси ва суғурта шартномасининг ўзи асосида амалга оширилади.

19. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси асосида транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахс, транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ёки меҳнат шартномаси асосида фойдаланаётган ва у ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфатдор бўлса, унга нисбатан

автотранспорт воситасини ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари суғурта қилдирувчидагига каби қўлланилади. Шунинг учун суғурталовчи ушбу шахсдан ФКнинг 957-моддасида белгиланган суброгация тартибида тўланган пулларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

20. Контрагентлар томонидан экспорт шартномаларининг бажарилмаганлиги сабабли зарар суммаларини ундириш ҳақидаги суғурталовчи ҳамда суғурта қилдирувчи ўртасидаги низола бўйича ишларни кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Сармоя, товарлар ва хизматларни экспорт қилувчиларга суғурта қопламаси бериш тартибининг нормаларини ҳам қўллаши лозим.

Мазкур Тартибнинг 3-бандига мувофиқ тижорат таваккалчиликлари (экспорт шартномаларининг суғуртаси доирасида) — хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги билан ва контракт бўйича унинг томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бажарилиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади.

Ушбу нормадан келиб чиқадиги, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта ташкилоти (суғурталовчи)дан зарар суммасини ундириш талаби билдирилганда, экспорт шартномаси доирасидаги тўловлар бўйича мажбуриятларини бажармаган чет эл контрагентини тўловга қобилиятсизлиги ёки банкротлиги ҳақидаги далилларни тақдим этишлари лозим.

Бундай далилларга, хусусан, қуйидагилар киради:

чет эл контрагентидан қарздорлик суммаларини ундириш ҳақидаги чет эл ва-

колатли давлат судининг ҳал қилув қарори ва чет эл контрагентининг мол-мулки ва бошқа маблағлари мавжуд эмаслиги сабабли ушбу қарорни ижро этиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

чет эл контрагентини банкрот (тўловга қобилиятсиз) деб эътироф этилиши.

21. ФКнинг 959-моддасига асосан суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича ишларни кўришда судлар қайта суғурта қилиш хизматларини кўрсатишнинг ягона талаб ва стандартлари белгиланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 111-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 29 январда 2190-сон билан рўйхатга олинган Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга ҳам асосланиши лозим.

22. Агар суғурта шартномаси мажбурият бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган бўлса, асосий мажбурият бажарилмаган тақдирда кредитор суғурталовчидан суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, агар суғурта шартномаси хўжалик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилганида, суғурталовчига талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундириш чораларни

кўриши зарур ва фақат қарздорнинг мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмагандагина кредитор суғурталовчига талаб билдириш ҳуқуқига эга, агар суғурта шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса.

Қарздорнинг мол-мулки мажбуриятни бажариш учун етарли эмаслиги давлат ижрочисининг ижро ҳужжатини "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган қоидаларга амал қилинмаслиги суғурта қилдирувчига нисбатан тақдим этилган даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади.

22.1. Қонун ҳужжатларида мажбурият бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг суғурта пули тўлаш ва қарздорнинг асосий мажбурияти бўйича солидар жавобгарлиги назарда тутилмаган. Шу муносабат билан судлар шунини инобатга олиши керакки, суғурталовчи ва асосий қарздорга нисбатан арз қилинган бундай талабнинг суғурталовчига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилиши, талабнинг қарздорга нисбатан қисми эса мазмунан кўрилиши лозим.

Қарздордан қарзни ундириш бўйича мажбурий чораларни кўриш жараёнида суд ҳужжатини ижро этишнинг

имкони йўқлиги аниқланганлиги, кредиторнинг суғурталовчига нисбатан даъво талабини тақдим этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

22.2. Агар мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун кафиллик, гаров ва суғурта шартномалари тузилган бўлиб, бажарилиши таъминланган мажбурият бажарилмаганда, кредитор томонидан бир вақтнинг ўзида қарздор, кафил, гаровга қўювчи ва суғурталовчига нисбатан даъво тақдим этилган бўлса, низони ҳал қилишда судлар суғурта шартномасининг шартларидан келиб чиқиши керак. Агар суғурта шартномасининг шартларида кредитор талабларининг қаноатлантириш учун қарздор ва кафилнинг тўловга қобилиятсизлиги ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг етарли эмаслиги суғурта ҳодисаси деб белгиланганда, даъво талабининг суғурталовчига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилади. Бунда, агар кредиторнинг талабини қаноатлантиришга қарздор ва кафилнинг тўловга қобилиятсизлиги ва гаровга қўйилган мулкнинг етарли эмаслиги аниқланганда, кредиторнинг суғурта товонини суд тартибида ундириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Бундай ҳолда, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) судга қайта мурожаат қилингунга қадар, қарздор ва кафил кредиторнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги ва гаровга қўйилган мулкларнинг етарли эмаслигини исботловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчини хабардор қилиши шарт.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2017 йил 29 ноябрь

№ 46

Тошкент шаҳри

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1. "Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарори:**

**6-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

"6. Уқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, уларни ғайриқонуний равишда ҳар қандай усулда (ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан) қўлга киритиш тушунилиши лозим";

**14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

"14. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди ишларни апелляция ва кассация

тартибида кўришда қайд этилган туркумдаги ишларни кўриш сифати устидан тегишли назоратни таъминласинлар ва суд хатоларини ўз вақтида тузатиш учун зарур бўлган чораларни кўрсинлар".

**2. "Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 15 мартдаги 9-сонли қарори:**

**5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

"5. Тушунтирилсинки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165, 176-3-моддалари билан маъмурий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Агар бундай фаолият билан шуғулланиш кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 190-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 190-моддаси иккинчи қисмининг "б", "в" бандлари билан квалификация

қилиш учун ҳам қонунга хилоф фаолиятдан кўп миқдорда даромад олинган бўлиши талаб этилади.

Айбдор тадбиркорлик фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолларда, унинг ҳаракатлари ЖК 188-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК 190-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди";

**14-бандидаги "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди" сўзлари "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди" сўзлари билан алмаштирилсин;**

**3. "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли қарори:**

**2-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

"2. Табиатни муҳофаза қи-

лиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунлари, ер, сув, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади";

**6-банди биринчи хатбошисининг учинчи жумласи куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"Ўзбекистон Республикаси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади";

**рус тили матнидаги 6-банди иккинчи хатбошиси** "общественная экологическая экспертиза осуществляется независимыми группами" **сўзларидан кейин "специалистов" сўзи билан тўлдирилсин;**

**8-бандидаги** "Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси" ва "табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси" **сўзлари** "Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси" **сўзлари билан алмаштирилсин;**

**13-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"Қонунга кўра, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга оид суммалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартиб-

га солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сонли қарори ва 2017 йил 15 июндаги "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 375-сонли қарорларида назарда тутилган тартибда ундирилади";

**17-бандидаги** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди" **сўзлари** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди" **сўзлари билан алмаштирилсин.**

**4. "Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарори:**

**1-банди биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"1. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ транспорт воситаларини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши лозим";

**3-банди иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"Айбдор транспорт воситасини олиб қочганда талон-торож мақсадини кўзлаган бўлса, унинг ҳаракатлари қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ЖК 267-моддаси иккинчи қисми "г" банди ёки учинчи қисми "в" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳаракатларни, тегишлича, ЖК 164, 166 ёки 169-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди";

**5-банди тўртинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочган шахсларнинг ҳаракатлари, улардан ҳар бирининг ро-

лидан қатъий назар, ҳамижро-чи деб баҳоланиши ва ЖК 267-моддаси учинчи қисмининг "б" банди билан ЖК 28-моддасига ҳавола этилмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим";

**7-бандидаги** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди" **сўзлари** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди" **сўзлари билан алмаштирилсин.**

**5. "Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида"ги 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли қарори:**

**13-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"13. Судлар зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ ишлар бўйича дастлабки тергов сифатига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари, жиноий тажовузда дахлдор барча шахслар жавобгарликка тортилган тортилмаганлигини аниқлашлари ва асослар мавжуд бўлганда, уларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга хабар беришлари (ЖПК 417-моддаси) лозим";

**15-бандидаги** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди" **сўзлари** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди" **сўзлари билан алмаштирилсин;**

**6. "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги 1997 йил 22 августдаги 12-сонли қарори:**

**5-банди иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"Суд муҳокамаси қатнашчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати (жамоат айбловчисини, жамоат ҳимоячисини ишга киритиш жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб тан олиш, ишни тўхтатиб қўйиш ёки уни кейинга қолдириш, суд-

ланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш, бошқа шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этиш, ишни тугатиш ва бошқалар) билан боғлиқ, хоҳ суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида ва хоҳ суд муҳокамаси жараёнида арз қилинган бошқа барча илтимослар ҳам ушбу қоидалар бўйича ҳал қилинади. Агар муҳокама қилиниб, ҳал этилган илтимос юзасидан тараф яна шу асослар бўйича арз қилган тақдирда раислик этувчи бу илтимосни муҳокамага киритишни рад этади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади”;

**12-банди иккинчи хатбошисидаги** “Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 3-бандига асосан” **сўзлари** “Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 4-бандига асосан” **сўзлари билан алмаштирилсин;**

**16-банди биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“Жиноят-процессуал кодексининг 415-1-моддасига мувофиқ суд муҳокамаси пайтида суд айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартиришга ҳақли. Янги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала суд томонидан ЖПК 417-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади”;

**21-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, жиноят ишларининг суд муҳокамасида жиноят-процессуал қонунчили-

гини қўллашда йўл қўйилган хатоларни, бирорта қонун бузилиш ҳолатини эътибордан четда қолдирмасдан, мунтазам таҳлил қилиб бориш тавсия этилсин”.

**7. “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли қарори:**

**4-банди биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“4. Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, агар бу ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда текинга ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулкдорлигига айлантиришида ифодаланган бўлса, ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан квалификация қилиниши лозим ва ЖК 205-моддаси билан кўшимча квалификация қилишни талаб этмайди”.

**5-банди биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“5. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ўзганинг мулкани ЖК муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган талон-торож жиноятини содир этишда айбдор деб топганда, унинг ҳаракатлари ЖК тегишли моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозим ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан кўшимча квалификация қилишни талаб этилмайди (масалан, жиноят ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан, шу жумладан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1 ва 2-қисмлари билан кўшимча квалификация талаб этилмайди)”;

**17-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“17. Судларга тушунтирилсинки, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга

ошириш шахс норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ваколатли давлат органига тегишли фаолиятни рўйхатдан ўтказиш ёки уни тиклаш ёхуд ўзгартириш тўғрисида мурожаат этиши шарт бўлиб, бироқ қасддан буни бажармаган ҳолда мавжуд бўлади.

Шахсни ЖК 188-моддаси билан айбдор деб топиш учун тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга оширганлиги факти аниқланган бўлиши керак”;

**31-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, уларни қўллашда йўл қўйилган хатоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва барта-раф этиш тавсия этилсин”.

**8. “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли қарори:**

**1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундашга оид ҳар бир жиноят ишини кўришда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш тўғрисидаги қонун талабига риоя қилиш зарур”;

**куйидаги мазмундаги 4-1-банд билан тўлдирилсин:**

“4-1. Судларнинг эътибори

шунга қаратилсинки, кўрқитиш, раҳмсиз муносабатда бўлиш ёки шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан содир этиладиган ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқли равишда ўзини ўзи ўлдиришга ундашда (ЖК 103-1-моддаси) айбдор кўндириш, алдаш ёки инсоннинг эркини синдирувчи бошқа йўл билан (масалан, тушкунликка солувчи ғоявий ташвиқот орқали) қасддан бошқа шахсда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан қатъиятни кўзғатади”;

**6-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“6. Субъектив томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш эса, қасддан содир этилади”;

**7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“7. ЖК 103-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилиши оқибатида қандайдир сабабларга кўра инсон ўлими келиб чиқмаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатини ЖК 25-моддаси билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки ЖК 103-моддаси нафақат ўзини ўзи ўлдириш, балки, ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш учун ҳам жавобгарликни назарда тутади.

ЖК 103-1-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан ҳам ЖК 25-моддасини қўллаш талаб этилмайди, чунки мазкур жиноят шахс ўзини ўзи ўлдиришга ундалган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади”.

**9. “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори:**

**8-банди биринчи хатбошисининг иккинчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“Масалан, жиноят ЖК 169-

моддаси 4-қисми билан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1, 2 ва 3-қисмлари билан кўшимча квалификация талаб этилмайди”;

**12-бандидаги “Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**10. “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 28 апрелдаги 8-сонли қарори:**

**8-бандининг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“Агар шахсда анча миқдордан ортиқ валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш мақсади бўлиб, бу мақсадни қисмларга бўлиб амалга оширса, у валюта қимматликлари умумий суммасидан келиб чиқиб, ЖК 177-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарликка тортилиши лозим”;

**9-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“9. Қилмишни ЖК 177-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари билан квалификация қилишда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномаси (айблов хулосаси) ва ҳукмда айбдорнинг қилмиши айнан қандай белгига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган деб топилганлиги акс эттирилиши шарт. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, анча миқдорда содир этилган валюта қимматликларини қонунга хи-

лоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятини ЖК 177-моддаси иккинчи қисмининг “а”, “в” банди ва учинчи қисмининг “б” банди билан квалификация қилишда муқаддам шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда кўп ёки жуда кўп миқдорда олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик шахс шундай ҳаракатлар учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар келиб чиқади”;

**16-бандидаги “Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди” сўзлари билан алмаштирилсин.**

**11. “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарори:**

**3-банди иккинчи хатбошисидаги “ЖПК 419, 487-моддаларига асосан” сўзлари “ЖПК 487-моддасига асосан” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**14-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:**

“Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича куйи судларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлашлари, чиқарилган суд қарорларининг қонунийлигини ва асослантирилганини синчиклаб текширишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишлари зарур”.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

29 ноября 2017 года

№ 44

город Ташкент

**О судебной практике по делам, связанным  
с государственным пенсионным обеспечением**

В связи с вопросами, возникшими в судебной практике по рассмотрению дел, связанных с осуществлением права граждан на государственную пенсию и в целях обеспечения единообразного применения норм законодательства о государственном пенсионном обеспечении граждан, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

**ПО С Т А Н О В Л Я Е Т:**

1. Обратить внимание судов, что, в соответствии со статьей 39 Конституции Республики Узбекистан, каждый имеет право на социальное обеспечение в старости, в случае утраты трудоспособности, а также потери кормильца и в других предусмотренных законом случаях. Неукоснительное соблюдение требований Закона Республики Узбекистан "О государственном пенсионном обеспечении граждан" является гарантом обеспечения конституционного права граждан на социальное обеспечение.

2. При рассмотрении дел, связанных с государственным пенсионным обеспечением граждан, судам следует руководствоваться нормами Гражданского кодекса Республики Узбекистан, Трудового кодекса Республики Узбекистан, Закона Республики Узбекистан "О государственном пенсионном обеспечении граждан" (далее - Закон), постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 сентября 2011 года № 252 "Об утверждении нормативно-правовых актов, направ-

ленных на дальнейшее совершенствование порядка назначения и выплаты государственных пенсий", постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 февраля 2016 года № 46 "Об утверждении Положения о порядке уплаты страховых взносов во внебюджетный Пенсионный фонд при Министерстве финансов Республики Узбекистан гражданами Республики Узбекистан, работающими за границей, и отдельными категориями лиц, рабочее время которых не поддается учету, а также порядке учета их трудового стажа и размера заработка, принимаемого для исчисления пенсии", Инструкции "О порядке ведения трудовых книжек", зарегистрированной Министерством юстиции Республики Узбекистан 29 января 1998 года № 402, Инструкции "О порядке удержания из пенсий, пособий и иных выплат", зарегистрированной Министерством юстиции Республики Узбекистан 26 октября 2016 года № 2835 и других нормативно-правовых актов, принятых в этой

сфере.

3. Судам следует иметь в виду, что в соответствии с постановлением Верховного Совета Республики Узбекистан от 3 сентября 1993 года № 939-XII "О порядке введения в действие Закона Республики Узбекистан "О государственном пенсионном обеспечении граждан" сохранен действовавший до введения в действие Закона порядок:

применения поправочных коэффициентов для исчисления заработка при назначении и перерасчете пенсий; льготного пенсионного обеспечения по возрасту за лицами, работавшими до введения в действие Закона на работах с вредными и тяжелыми условиями труда, предусмотренного ранее действовавшим законодательством.

4. Разъяснить судам, что в соответствии с Законом и Положением "О порядке назначения и выплаты государственных пенсий", утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 сентября 2011

года № 252, назначение и выплата пенсии, а также рассмотрение других вопросов, связанных с пенсионным обеспечением граждан, осуществляется районным (городским) отделом внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан (далее - Пенсионный фонд), решения, действия (бездействие) должностных лиц которых, могут быть обжалованы в суд.

В суд могут быть обжалованы также решения, действия (бездействие) должностных лиц вышестоящих органов внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан, связанные с пенсионным обеспечением граждан.

5. В суде могут быть рассмотрены следующие дела, связанные с осуществлением права на государственную пенсию:

о подтверждении периодов трудовой деятельности, при отсутствии документов о трудовом стаже;

о принадлежности документов, подтверждающих трудовой стаж;

об установлении факта работы на вредных и опасных условиях труда, при отсутствии документов об аттестации рабочих мест;

“Навоий-қорақўл” уюшмаси мутахассиси Д. судда “Сармиш” ширкат хўжалигининг 2007 йил 1 январдан 2016 йилга қадар ҳаром ўлган чорва молларини ҳисоботдан чиқарилиши юзасидан текшириш ўтказгани, текширишда хўжаликнинг ҳисоботларида 2016 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами 32.708 бош майда шохли моллар мавжудлиги кўрсатилгани, ишчи гуруҳи томонидан хўжаликнинг чорва моллари санокдан ўтказилганида жами 2012 бош майда шохли моллар борлиги, ҳисоботга нисбатан 30696 бош майда шохли моллар кам эканлиги аниқлангани, ушбу майда шохли молларнинг кам чиқиш сабаблари ўрганилганда, ветеринария бўлими ходимлари томонидан “Сармиш” ширкат хўжалиги ҳисобидаги 2005 йилда 1494 бош майда шохли моллари ҳаром ўлгани аниқланиб, моллар 2012 йил ноябрь ойида камомаддан чиқарилгани, лекин ушбу ҳаром ўлган майда шохли молларнинг аслида туғилмаган кўзилари 2005 йилдан 2016 йилгача сунъий равишда кўпайиб ширкат хўжалигининг ҳисоботларига кўшиб келингани, шунингдек, 2008 йилда 2861 бош она қўй, 208 бош насли кўчқор, 653 бош кўчқор, 131 бош серка,

52 бош қари қўй, 91 бош 2007 йилги урғочи қўзи, 4 бош 2007 йилги кўчқорча, 29 бош 2007 йилги қўзи, 28 бош қари кўчқорлар, жами 4057 бош майда шохли моллар ҳақиқатда ҳам, табиий офатдан ҳаром ўлганлиги ҳамда бу ҳолатни тасдиқловчи “Ф-100” шакл ҳисоботлари мавжудлиги тўғрисида ветеринария бўлими томонидан хулоса берилгани, ушбу хулосага асосан ҳаром ўлган моллар бош сонлари инobatга олиниб, ширкат хўжалигининг 2008 йилдан 2016 йилгача бўлган даврдаги 9 йиллик мол бош сонлари пода ҳаракати қайта ишлаб чиқилгани, қайта ишлаб чиқилган пода ҳаракати натижаларига кўра, 5365 бош она қўйлар, 3954 бош серка, 1884 бош қари қўй, 1923 бош 2016 йилги урғочи қўзи, 2559 бош 2016 йилги эркак қўзилар, жами 15685 бош майда шохли моллар асоссиз равишда хўжаликнинг чорвачилик ҳисобига кирим қилинганлиги аниқлангани, ҳаром ўлган молларнинг чорва ҳисоботидан чиқарилмасдан келиниши натижасида ҳақиқатда мавжуд бўлмаган чорва моллари ҳар йили кўпайиши натижасида туғилмаган кўзиларни “туғилди” деб ҳисоботда кўшиб ёзишлар ҳисобидан вужудга келгани, ҳаром ўлган чорва моллари 2016 йил декабрь ойида “Сармиш” ширкат хўжалигининг чорва ҳисоботидан чиқарилгани, 2005-2016 йилларда сунъий равишда ширкат хўжалиги ҳисоботларига 15011 бош майда шохли моллар кўшиб ёзилганини баён этган.

“Афросиёб аудит стандарт” аудиторлик фирмаси аудитори С. судда “Сармиш” ширкат хўжалигида ўтказилган текшириш далолатномаси билан танишиб чиққани, 2016 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, ширкат хўжалиги ҳисоботларида 32708 бош майда шохли моллар борлиги қайд этилгани, 2008 йил қиш мавсумида ҳаром ўлиб, 2008-2016 йиллар мобайнида аслида туғилмаган, лекин ҳисоботларга кўшиб ёзилган кўзилар билан бирга жами 15685 бош майда шохли чорва моллари 2016 йил декабрь ойида ширкат хўжалигининг ҳисоботидан чиқарилгани, 2005 йилда ҳаром ўлган 1494 бош майда шохли чорва моллари 2012 йил ноябрь ойида ширкат хўжалигининг ҳисоботидан чиқарилгани, бироқ 2005 йилда ҳаром ўлган майда шохли молларнинг аслида туғилмаган кўзилари туғилганлиги ҳақида ҳисоботларда маълумотлар киритилиб, 2016 йилга қадар ҳисоботдан чиқарилмагани оқибатида сунъий равишда кўпайиб келгани, агар ширкат хўжалигининг пода ҳаракати бўйича ва отарма-отар чўпонлар кесимидаги ҳисоботлари ҳамда бирламчи ҳужжатлари мавжуд бўлса, ҳаром ўлган майда шохли молларнинг аслида туғилмаган кўзилари сунъий равишда неча

бошга кўпайганлигини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкинлиги, ширкат хўжалигининг пода ҳаракати бўйича ва отарма-отар чўпонлар кесимидаги ҳисоботлари ҳамда бирламчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, ширкат хўжалигида ўтказилган чорвачилик мониторинг маълумотномаларига асосан ҳисоботларга сунъий равишда қўшилиб келинган майда шохли молларнинг сонини аниқ ҳисоблаб бўлмаслигини баён этган.

“Навоий-қоракўл” уюшмаси мутахассиси Д. томонидан кассация инстанцияси судига тақдим қилинган маълумотномада 2005 йил қиш мавсумида ҳаром ўлган жами 1494 бош, шундан 1077 бош она кўй, 417 бош барра 2012 йил ноябрь ойида ширкат хўжалигининг ҳисоботидан чиқарилганини инобатга олиб, 2005-2016 йилларда туғум мавсумида ширкат хўжалиги томонидан ушбу молларга сунъий равишда ҳисоботларга қўшиб ёзилиши ҳисобидан вужудга келган моллар ҳисобини хўжалиқда отарма-отар чўпонлар кесимидаги ҳисоботлар йўқлиги сабабли ширкат хўжалигининг йиллик пода ҳаракатидан тахминий равишда фоиз ҳисобида ҳисобланганда, 2005-2016 йилларда сунъий равишда ширкат хўжалиги ҳисоботларига жами 15011 бош майда шохли моллар қўшиб ёзилгани кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 25 августдаги ажрими билан Й., С., Т. ва Э.ларнинг айбидан А., Х., А. Б. ва Г. лар билан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Й. ва Р.лар 2011-2015 йиллар ҳамда 2016 йилнинг 1 сентябрь кунига қадар 3.037.705.000 сўмлик жами 15.011 бош, Э. 2012-2015 йиллар ҳамда 2016 йилнинг 1 сентябрига қадар 2.199.780.000 сўмлик 9.999 бош, С. 2013-2015 йиллар ҳамда 2016 йилнинг 1 сентябрь кунига қадар 1.064.580.000 сўмлик 4.839 бош, жуда кўп миқдордаги чорва молларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиб, ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликдаги айб эпизоди чиқарилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Х. 2011 йил 1 мартдан 2012 йил 1 январга қадар Навбаҳор туманидаги “Сармиш” ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозим ваколатлари доирасига кўра, нодавлат тижорат ташкилотининг мансабдор шахси бўлгани ҳолда бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан тақроран сохта юк хатлари расмийлаштириб, улардан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида

бўлган анча миқдордаги мол-мулкни тақроран ўзлаштирган ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Шунга кўра, Х. нинг айбидан “Сармиш” ширкат хўжалигининг жуда кўп миқдордаги 496.480.000 сўмлик 2164 бош қўйларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш эпизодини чиқариш лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 29-бандида апелляция, кассация, назорат инстанцияси маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келганда ва бу модда шахсни жиноий жавобгарликдан, жазодан озод этишни ёки жазо қўлланилишини истисно этишни назарда тутувчи амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда, тегишли инстанция суди биринчи инстанция суди қилмишни тўғри квалификация қилганда қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати Х.нинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан шу модданинг 2-қисми “б, в, г” бандларига қайта квалификация қилишни; Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, Х.ни Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б, в, г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топиб, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-банди ва Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан жазодан озод қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2017 йил 16 мартдаги ҳукмининг Х.га оид қисми ҳамда жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 16 майдаги ажрими ўзгартирилди.

Х.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан шу модда 2-қисми “б, в, г” бандларига қайта квалификация қилинди.

Х.га Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилинди.

Х. Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б, в, г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинди.

Назорат иш № 5-1384-17



**Кассация инстанцияси суди томонидан Жиноят кодекси нормалари нотўғри қўлланилган.**

Жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 2016 йил 8 сентябрдаги ҳукмига кўра, С. Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодексининг 59 ва 61-моддалари тартибда 2 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддалари тартибда 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 6.288.900 сўм жарима, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 11 майдаги ажрими билан суд ҳукмининг С.га Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддалари тартибда жазо тайинлаш қисми ўзгартирилиб, унга 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида — 24.672.900 сўм жарима, 8 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибда ўташ учун 8 йил 6 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, С. 2013 йил 1 августдан 2014 йил 1 мартга қадар “Boyoovut paxta tozalash” акциядорлик жамияти раиси лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1554-сонли ва 1999 йил 19 июлдаги 2340-сонли Фармонлари талабларига зид равишда, 2014 йил 1 январга қадар 40 та хўжалик юритувчи субъектлардан жами 1.440.517.600 сўмлик жуда кўп миқдордаги муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрмагани, натижасида иш ҳақидан 204.598.400 сўм қарздорлик келиб чиқиши ҳамда давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликда;

С. мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, У. ва бошқалар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳа-

қининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 504-сонли ва 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарорлари талабларига зид равишда, мансаб сохтакорлиги йўли билан банкдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун олинган 6.691.300 сўм нақд пулни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда;

С. такроран мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, мансаб сохтакорлиги йўли билан ҳужжатларни қалбакилаштириб, Молия Вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамғармаси” томонидан 2013 йил пахта ҳосили якуний ҳисоб-китоблари учун ажратилган жами 23.740.235.000 сўм мақсадли пул маблағларидан 1.438.484.000 сўмлик қисмини фермер хўжаликлариغا корхонага топширилган пахта хом-ашёси қийматига нисбатан ортикча тўлаб бериб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда;

С. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, жамиятга қарашли “Орзу”, “Турон” ва “Корхона қошидаги” пахта қабул қилиш масканлари томонидан 2013 йил пахта ҳосилидан ПК-17 қабул варақаларига асосан қабул қилиб олинган жами 26.236 тонна 23.469.604.000 сўмлик пахта хом-ашёсини қайта ишлаш даврида келиб чиққан камомадини қоплаш мақсадида, судланувчи У., техник-назорат бўлими бошлиқлари Ф. ва Х., лаборантлар Н., С., Ф. ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, “Орзу” пахта қабул қилиш маскани 2-минтақа товаршуноси П. ва “Турон” пахта қабул қилиш маскани 2-минтақа товаршуноси У. ҳамда “Корхона қошида”ги пахта қабул қилиш маскани 2-минтақа товаршуноси М. нинг ёрдамида мансаб сохтакорлиги йўли билан Ўзбекистон Давлат стандарти O'zDST604-2001 “Пахта толаси техникавий шартлари”нинг 6.2-бандида белгиланган энг кичик массавий меъёрига нисбатан 7.418 тонна 425 килограмм пахта толаси намлиги 5 фоиздан паст бўлган даражада ишлаб чиқарилганлигини кўрсатиб, жами 112.882.900 сўмлик жуда кўп миқдордаги пахта хом-ашёсини ортикча ҳисобдан чиқариб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик-

да айбдор деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

шу кодекснинг 494-моддасида суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмаслиги қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори 22-бандида кассация инстанцияси суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда қилмишни Жиноят кодексининг бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга, агар бу маҳкумга ҳукмда баён қилинганидан жиддий фарқ қиладиган айблов қўйилишига ёки унга оғирроқ жазо тайинланишига олиб келмаса, ҳақли эканлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, С. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми ва бошқа моддалари билан айбдор деб топилди, унга Жиноят кодексининг 59 ва 61-моддалари тартибида 2 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, кейин эса, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддалари тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 6.288.900 сўм жарима ва 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 53-бандида жиноятлар мажмуи учун Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми бўйича жазо тайинланганда, узил-кесил жазо, қоида тариқасида, Жиноят кодексининг Умумий қисмида белгиланган тартиб ва миқдорда тайинланиб, биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмаслиги, бундай ҳолларда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан эмас, балки унинг тўлиқ миқдоридан келиб чиқиш шартлигига эътибор

қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди С.га Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлашда кейинги ҳукм биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабларга риоя этмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 500 ва 513-моддаларида кассация ва назорат инстанцияларида жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгартиришларга суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилиши белгиланган.

Ҳозирда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин бир йилдан кўп муддат ўтганлиги боис биринчи инстанция судининг ушбу хатосини муҳокама қилиш ва бартараф этиш чорасини кўриш имконияти йўқотилган.

Бироқ кассация инстанцияси ишни кўриш вақтида қонунда белгиланган муддат ўтмаган бўлса-да, биринчи инстанция судининг хатосини бартараф қилиш чорасини кўрмаган.

Бундан ташқари кассация инстанциясининг суд ҳукмини ўзгартириб, С.га нисбатан Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми билан узил-кесил жазо тайинлашда унга биринчи инстанция суди ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан кўп бўлган 8 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, унинг аҳволини оғирлаштириб, қонун талабларини бузган.

Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарори 6-банди ва 2016 йил 12 октябрдаги амнистия тўғрисидаги қарори 7-бандида ушбу Қарорларнинг амал қилиши – афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги қайд этилган.

С.нинг шахсига оид маълумотларга қараганда, у илгари жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг 2011 йил 9 декабрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ва бошқа моддалари билан айбдор деб топилди, 2011 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Шундай ҳолда, кассация инстанцияси С.нинг шахсига оид маълумотларни атрофлича текширмасдан, унга тайинланган жазони 2014 йил 14 ноябрь ва 2016 йил 12 октябр кунги амнистия актларига асосан қисқартириб, хатоликка йўл қўйган.

Бундай ҳолда С.га нисбатан чиқарилган

кассация инстанцияси ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли судлов ҳайъати кассация инстанциясининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан шу инстанция судида кўриш учун юборишни, ишни янгидан кассация инстанцияси судида кўришда қайд этилган хато ва камчиликлар бартараф этилиб, шундан сўнг қонуний ва асосли тўхтамга келишни лозим деб топади.

Жинойят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди кассация инстанцияси томонидан чиқарилган 2017 йил 11 майдаги ажримнинг С.га оид қисми бекор қилинди.

Жинойят ишининг шу қисми янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

*Назорат иши № 5-1378-17*

**Шахсининг ҳаракатларида жинойят таркиби бўлмаганлиги боис суд қарорларини бекор қилиб, Жинойят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.**

Жинойят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2005 йил 23 июндаги ҳукмига кўра, С. Жинойят кодексининг 205-моддаси 2-қисми “а, в” бандлари билан айбдор деб топилди, 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод этилган.

Жинойят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 2 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. “Миллий банк”-нинг Самарқанд вилоят бўлими бошқарувчиси лавозимида, бир вақтнинг ўзиде банк кредит комиссияси раиси вазифасида ишлаб келиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бошқарувчи ўринбосари А., кредит бўлими бошлиғи К., шу бўлим мутахассиси С. билан бир гуруҳ бўлиб, 2001 йил август ойидан 2002 йил декабрь ойига қадар “Самарқанд — Алеко” қўшма корхонасига ажратилган дастлабки кредит тўловлари тўлиқ амалга оширилмаганига қарамай, ушбу корхонага яна 3 маротаба жами 150.000.000 сўм кредит маблағи ажратилишига йўл қўяди, натижада қўшма корхонанинг кредитдан 100.074.000 сўмлик қарздорлиги юзага келиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликда;

С. 2001 йил октябрь ойидан 2002 йил декабрь ойига қадар А., К. ва С. билан бир гуруҳ бўлиб, Д. раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ томонидан ташкил этилиб, фаолият юритиб келган “Гулноза-М” МЧЖ, “Дилноза-А” ХИЧСФ ва “Value Ко” МЧЖларга мақсадсиз

ишлатилиши ва ўз вақтида қайтарилмаслигини билган ҳолда бир неча маротаба кредит маблағи ажратишга йўл қўяди, натижада улар томонидан 180.000.000 сўмлик кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинишига, шунингдек, 63.500.000 сўмлик кредит тўловларидан қарздорлик келиб чиқиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликда айбдор деб топилган.

Жинойят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Жинойят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Мазкур иш судда кўрилган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Иш ҳужжатларига қараганда, “Миллий банк”нинг Самарқанд вилоят бўлими бошқарувчиси А.нинг 2004 йилнинг 29 ва 31 июлдаги “Самарқанд — Алеко” қўшма корхонаси, “Гулноза-М” МЧЖ, “Дилноза-А” ХИЧСФ ва “Value Ко” МЧЖлар томонидан банкдан олинган кредит маблағларининг қайтарилмаганлиги ҳолати юзасидан қонуний чора кўрилишини сўраб Самарқанд вилоят прокурори номига йўллаган хатларига асосан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб берилган.

Шунингдек, жиноят иши қўзғатилгунга қадар банк раҳбарияти томонидан ушбу кредит қарзларини ундириш чоралари кўрилиб, банкнинг даъво аризаларига асосан Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2003 йил 11 августдаги ва кассация инстанция-

сининг 2004 йил 2 мартдаги қарорларига асосан жавобгар “Самарқанд — Алеко” қўшма корхонасидан 148.200.000 сўмни банк фойдасига ундириш белгиланган, шунингдек, 2004 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори билан “Value Ко” МЧЖдан 103.100.00 сўм, 2004 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарори билан жавобгар “Гулноза-М” МЧЖдан 121.400.00 сўм, 2005 йил 22 февралдаги ҳал қилув қарори билан жавобгар “Дилноза-А” ХИЧСФдан 27.300.000 сўм кредит қарздорлигини банк фойдасига ундириш белгиланган.

Судда гувоҳлар “Миллий банк” бошқаруви раиси ўринбосари Б., бошқарма бошлиғи А., Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи А., аудитор А., “Миллий банк”нинг Самарқанд вилоят бўлими томонидан “Самарқанд Алеко” қўшма корхонаси, “Гулноза-М” МЧЖ, “Дилноза-А” ХИЧСФ ва “Value Ко” МЧЖларга кредит ажратилишида белгиланган талабларга риоя қилинганлиги ҳақида кўрсатувлар беришган.

Жиноят иши бўйича тузилган 2004 йил 9 ноябрдаги текшириш далолатномасида “Самарқанд — Алеко” қўшма корхонаси, “Гулноза-М” МЧЖ, “Дилноза-А” ХИЧСФ ва “Value Ко” МЧЖларга ажратилган кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши банк ходими томонидан текширилиб, далолатномалар тузилган бўлса-да, бироқ уларнинг молиявий аҳволи доимий равишда мониторинг қилиб борилмагани кўрсатилган.

Жиноят ишидаги меъёрий ҳужжатларга асосан, мониторинг олиб бориш бошқарувчи С. ваколатига кирмайди, бу вазифа кредит бўлими ходимларига юклатилган бўлиб, ушбу ҳолат юзасидан банк кредит бўлими бошлиғи К. ва бўлим мутахассиси С.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиб, жиноят ишининг уларга оид қисми амнистия актига асосан тугатилган.

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, дастлабки тергов органи ва суд томонидан С. банк бошқарувчиси лавозимида ишлаб келиб, асоссиз кредит берганлик ва кредит пулларини ўз вақтида ундириш чораларини кўрмасдан мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда етарли асосларсиз айбдор деб топилган.

Бундан ташқари суд томонидан иш бўйича тўпланган далиллар ҳамда мутахассисларнинг кўрсатувларига холисона ҳуқуқий баҳо берилмасдан, С.нинг айбсизлиги тўғрисидаги далиллар қандай ҳолатларга кўра, ишончга сазовор эмаслиги ёки асоссизлигини муҳокама қилмасдан, унинг қилмиши банк фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси, кредит шартномалари,

кредит комиссияси баённомалари ва ҳулосалар билан исботлангани ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

Жиноят кодексининг 13-моддаси иккинчи қисмида, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахсининг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эгаллиги, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилиши қайд этилган.

2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят кодексининг 41-моддаси 5-қисм билан тўлдирилиб, унга кўра, тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятлари тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги белгиланган.

Бундай ҳолда, С. мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъати С.нинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, унга оид суд ҳукми ҳамда апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатишни лозим топди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2005 йил 23 июндаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 2 августдаги ажримининг С.га оид қисми бекор қилинди.

Жиноят ишининг шу қисми Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.

Назорат иши № 5-1404-17

## **Ишдаги энгиллаштирувчи ҳолатлар инobatга олинмаганлиги сабабли биринчи инстанция ва кассация инстанциясининг қарорлари ўзгартирилди.**

Тошкент вилояти Зангиота туман маъмурий судининг 2017 йил 9 октябрдаги қарорига асосан, Н.Абдурахмонова МЖТКнинг 189-моддаси билан энг кам иш ҳақининг 50 баравари — 7.488.750 сўм миқдоридан жарима жазосига тортилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 3 ноябрдаги қарори билан суд қарори ўзгартирилган.

Суднинг қарорига кўра, Н.Абдурахмонова қуйидаги ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган: 2017 йил 6 сентябрь куни соат 15:00 ларда, Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун “Фишт-кўприк” чегара божхона комплексига пиёда ҳолда кириб келган Н.Абдурахмонованинг кўл юклари божхона кўригидан ўтказилган. Натижада унинг сумкасидаги божхона декларациясида кўрсатилган 1 дона “Samsung Galaxy A7” русумли, серия рақами S/N:RF8G30LE3TA уяли телефон аппарати хотирасида 5 дона порнографик мазмундаги видеотасвирлар борлиги аниқланган ва телефон аппарати ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олиб қўйилган.

Ҳуқуқбузарлик ашёси 2017 йил 6 сентябрь куни Зангиота туманида жойлашган “ZAMON MUHANDISI” МЧЖ омборига вақтинча сақлаш учун 476-сонли юк хатига асосан топширилган.

Н.Абдурахмонова шикоят хатида суд оилавий шароитини инobatга олмасдан, оғир жазо тайинлаганини ва айбига иқрор бўлиб қуйидагиларни баён қилган: 2017 йил 6 сентябрь куни соат 15:00 ларда, Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун “Фишт-кўприк” чегара божхона комплексига пиёда ҳолда кириб келгани, паспорт назоратидан ўтиб, божхона назоратидан ўтиш учун божхона ходимлари томонидан тақдим этилган йўловчи божхона декларациясини олгани, ўзига тегишли бўлган паспорт маълумотларини ва товар моддий бойликларни йўловчи божхона декларациясига ёзиб имзо қўйиб, божхона ходимига тақдим қилгани, у билан оғзаки сўров тугаганидан сўнг божхона ходими 1 дона телефон аппаратини ҳолислар иштирокида божхона кўригидан ўтказганида, унинг хотирасида 5 дона порнографик мазмундаги видеотасвирлар борлигини аниқлашгани, видеотасвирлар телефон хотирасига интернет ижтимоий тармоқ орқали келиб қолгани, уларни ўчириб ташлаш ёдидан кўтарилгани, Ўзбекистонга бундай видеотасвирлар олиб ўтилиши мумкин эмаслигини билмагани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан

пушаймонлиги, бошқа бундай ҳолатлар такрорланмаслиги, ҳеч қаерда ишламасдан бола парваришда эканлигини, ўзи онкологик касалликка чалиниб, мунтазам даволаниб келишини, олдин маъмурий жавобгарликка тортилмагани, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини кўллаб, жарима жазосидан озод қилишни сўраган.

Иш материалларига қараганда, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бадиий экспертиза бошқармасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 717-сонли санъатшунослик экспертиза хулосасига кўра, телефон хотирасидаги 5 дона порнографик мазмундаги видеотасвирлар порнографик маҳсулот бўлиб ҳисобланиши, ушбу телефон хотирасига ёзилган видеоларҳаларни “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланиши, мазкур видеоларҳаларни йўқ қилиб ташлаш тавсия этилиши маълум қилинган.

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ССМнинг 2017 йил 13 сентябрдаги 1516-сонли хулосасига асосан 1 дона телефон меъёрий ҳужжатлар таллабларига жавоб бериши ва фойдаланишга яроқли эканлиги ҳамда Тошкент шаҳар “Valuation” МЧЖнинг 2017 йил 8 сентябрь кунидаги 2635-сонли хулосасига кўра, 1 дона “Samsung Galaxy A7” русумли серия рақами S/N:RF8G30LE3TA уяли телефон аппаратининг умумий қиймати 900.000 сўмга тенглиги қайд этилган далиллар билан тасдиғини топган.

Судлар Н.Абдурахмоновани ҳуқуқбузарлик ҳаракати содир этгани ҳақида асосли хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда қонун таллабларига қатъий риоя этиш зарурлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Н.Абдурахмонова илгари маъмурий жавобгарликка тортилмаган, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган тавсифномада у ҳақида салбий фикрлар юритилмаган, суриштирув органига берган тушунтиришларида содир этган ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдирган.

Биринчи инстанция суди ишдаги энгиллаштирувчи ҳолатларни, Н.Абдурахмонованинг моддий аҳволини инobatга олмасдан МЖТКнинг 189-моддаси санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг юқори миқдорини тайинлаб, бунинг сабабини қарорда асосламаган.

Бундай ҳолда Н.Абдурахмоновага нисбатан

тайинланган жазони асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Н.Абдурахмоновага нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, тайинланган жазони қилмишларига мувофиқ меъёрга келтириш лозим.

Юқорида баён этилганларга кўра, Зангиота туман маъмурий судининг 2017 йил 9 октябрдаги қарори ва Тошкент вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 3 ноябрдаги қарори ўзгартирилиб, Н.Абдурахмоновага нисбатан МЖТКнинг 189-моддаси ва шу Кодекснинг 33-моддаси қўлланиб, энг кам иш ҳақининг 1 баравари — 149.775 сўм миқдоридан жарима жазосига келтирилди.

Назорат иши — 7-208-17

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талаблари ва Олий суд Пленумининг тушунтиришларига тўлиқ риоя қилинмаганлиги сабабли маъмурий иш ҳужжатлари қайта кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилди.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий судининг 2017 йил 28 июлдаги қарорига асосан, Ж.Мавлянов МЖТКнинг 184<sup>2</sup>-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан — 2 995 500 сўм жаримага тортилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 24 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгартиришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий судининг 2017 йил 5 сентябрдаги қўшимча қарори билан далилий ашё сифатида олинган 1 дона "Samsung Galaxy" русумли телефон аппарати тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланган.

Суд қарорига кўра, ҳуқуқбузар Ж.Мавляновнинг ҳаракатлари МЖТКнинг 184<sup>2</sup>-моддаси билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисобланиб, энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан — 2 995 500 сўм жарима тайинланган, далилий ашё сифатида олинган 1 дона "Samsung Galaxy" русумли телефон аппарати эса, иш ҳужжатларида сақлаш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, юқоридаги суд қарорлари бекор қилиниб, маъмурий иш қайтадан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябр-

даги "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 22-сонли қарори 10-банди иккинчи хатбошисида ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ва бунда шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чегараланмасдан, заруратга қараб, қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириш, экспертизалар тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Аммо юқорида қайд этилган маъмурий иш бўйича ушбу Кодекс талаблари ва Олий суд Пленумининг тушунтиришларига тўлиқ риоя қилинмаган. Хусусан, биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, ишдаги далилларни текширмасдан, уларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, Ж.Мавляновга нисбатан энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан — 2 995 500 сўм жарима жазоси тайинлаш тўғрисида барвақт ҳулосага келган.

Далилий ашёни олиш тўғрисида 2017 йил 27 апрелда тузилган баённомада Ж.Мавляновнинг ёнидаги мобил телефони холислар иштирокида ЖПКнинг 160-163-моддаларига асосан олинганлиги қайд этилган. Аммо суд томонидан ушбу баённома қонун нормалари талабларига нечоғлик мувофиқ тузилганлиги текширилмаган, унга киритилган тузатишлар хусусида баённомада изоҳ берилмаганлиги сабаби аниқланмаган.

Шунингдек, ушбу баённомани тузишда холис сифатида қатнашган Тошкент метрополитени ходимлари Г.Халилова ва Б.Байжанованинг бу ишдан манфаатдорлиги, уларнинг холис бўлиш-бўлмагликлари баҳо берилмаган.

Ишни кўришда ушбу метро ходимларидан олинган тушунтириш хатлари ва юқорида қайд этилган баённомадаги бир қатор қарама-қаршиликларга эътибор берилмаган. Жумладан, баённомага кўра, Ж.Мавлянов "Минор" бекатидаги ички ишлар органи хонасига 2017 йил 27 апрель куни соат 19<sup>50</sup> ларда таклиф қилиниб, унинг мобил телефони олинганлиги қайд этилган бўлса-да, аммо метро ходимлари Г.Халилова ва Б.Байжанованинг тушунтириш хатларига кўра, улар холис сифатида 2017 йил 27 апрель куни соат 20<sup>20</sup> ларда ички ишлар органи хонасига таклиф қилинган.

2017 йил 27 июлда тузилган TSH № 054671-сонли маъмурий баённомада эса, Ж.Мавлянов томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик 2017 йил 27 июль куни соат 14-00 да содир этилганлиги кўрсатилганлигига, шунингдек, ушбу баённома МЖТКнинг 281-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ уни тузган шахс Юнусобод туман ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант С.Абдурахмонов томонидан имзоланмаганлигига аҳамият берилмаган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баён-

## ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

номада Юнусобод туман ИИБ бошлиғи, подполковник Э.Хайруллаевнинг имзоси факсимиле тарзида қўйилган бўлиб, Ж.Мавляновга нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатларини судга юбориш ҳақида 2017 йил 27 июлдаги 27/45-17001-сонли қузатув хатидаги Э.Хайруллаевнинг имзосидан фарқ қилишига ҳам эътибор берилмаган ва ушбу имзолар айнан қайси мансабдор шахслар томонидан қўйилганлиги аниқланмаган.

Шунингдек, тушунтириш хатларининг иккинчи бети метро ходимлари Г.Халилова ва Б.Байжанова томонидан белгиланган тартибда имзоланмаганлигига, Б.Байжановадан тушунтириш олишдан олдин у кўрсатув беришдан бош тортганлик, била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантирилмаган ва ундан бу ҳақда ёзма равишда тилхат олинмаганлигига ҳам эътибор берилмаган.

Ваҳоланки, ишни кўраётган суд, МЖТКнинг 277-моддасига мувофиқ, далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб, текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо бериши лозим эди. Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Натижада МЖТК 309-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ суд қароридан ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг тўлиқ баёни кўрсатилмаган.

Кассация инстанцияси суди иш тафсилотларини, ҳуқуқбузарнинг барча важларини атрофлича текширмасдан ва ҳуқуқий баҳо бермасдан, биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шунингдек, кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилганидан кейин биринчи инстанция судининг қўшимча қарори билан суд қарорининг моҳияти ўзгартирилиб, далилий ашё сифатида олинган 1 дона "Samsung Galaxy" русумли телефон аппаратининг йўқ қилиниши белгиланган. Ваҳоланки, кассация шикоят келиб тушганидан сўнг йўл қўйилган ёзувдаги хатоларни тузатишга йўл қўйилмади.

Бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайди. Шу боисдан улар бекор қилиниб, маъмурий иш қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юборилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий судининг 2017 йил 28 июлдаги ва 2017 йил 5 сентябрдаги, Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 24 августдаги қарорлари бекор қилиниб, ушбу маъмурий иш ҳужжатлари қайта кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Назорат иши № 7-28-18

### **Процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилди.**

Туман давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан 22 000 сўм, 119-моддаси биринчи қисмига асосан 4 493 250 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддаси биринчи қисмига асосан 4 493 250 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Назорат тартибидаги протестда 2017 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачининг вакили протестни қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар ўзига қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган прокурор протестни қаноатлантириш тўғрисида фикр билдирди.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг важларини ва прокурорнинг фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Пискент туман ҳудудий комиссиясининг 2016 йил 25 ноябрдаги 06-4736-сонли қарори, Пискент туман давлат солиқ инспекциясининг 2016 йил 25 ноябрдаги 164-хс-сонли буйруғига асосан жавобгар фаолиятида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан 2016 йил 25 ноябрда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижасида жавобгар харидорга 22 000 сўмлик хариди учун харид чеки

бермаганлиги аниқланганлиги тўғрисида далолатнома тузилган.

Текшириш материаллари туман давлат солиқ инспекциясида кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича қарор қабул қилинган ва жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисмига асосан яширилган 22 000 сўм тушумнинг 20 фоизи, яъни 4 400 сўм, 119-моддаси биринчи қисмига асосан 4 493 250 сўм, жами 4 497 650 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ушбу жарима суммаси жавобгар томонидан ихтиёрий тўланмаганлиги сабабли аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан жами 4 497 650 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан жавобгарга Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан 4 497 650 сўм молиявий жарима қўлланилган. Бироқ суд томонидан аризачининг жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги талаби муҳокама этилмаган ва ушбу талаб юзасидан бирор-бир қарор қабул қилинмаган. Ваҳоланки, Хўжалик процессуал кодексининг 138-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 134-моддаси биринчи қисмига кўра, суд мажлисида, шунингдек, суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади. Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан сўнг имзоланиши керак.

Бироқ суд томонидан мазкур иш бўйича баённома юритилмаган. Ваҳоланки, Хўжалик процессуал кодекси 170-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига мувофиқ, агар ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки ушбу кодекснинг 134-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб ҳисобланади ва ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини бекор қи-

лиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари суднинг 2017 йил 3 апрелдаги ажрими билан иш 2017 йил 10 апрель куни соат куни 10<sup>34</sup> да вилоят хўжалик суди биносида кўриб чиқиш учун тайинланган. Аммо иш 2017 йил 13 апрелда кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган. Иш ҳужжатларида ишни кўришни кейинга қолдириш ҳақидаги ажрими ҳамда шу кунги суд мажлиси баённомаси мавжуд эмас.

Холбуки, Хўжалик процессуал кодекси 131-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Шунингдек, иш 2017 йил 13 апрель куни соат 15<sup>00</sup>да кўрилиши ҳақида жавобгар хабардор қилинмаган.

Қайд этиш керакки, Хўжалик процессуал кодексининг 170-моддаси иккинчи қисми 2-бандига мувофиқ, агар суд ишни ишда иштирок этувчи, мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб ҳисобланади ва бу ҳол ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Бинобарин, Хўжалик процессуал кодексининг 200-моддасига мувофиқ суд ҳужжати-нинг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, суд қарорлари бекор қилинди ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларни бажариши лозим:

1. Аризадаги ҳар бир талабни муҳокама қилиб, ҳар бир талаб бўйича қарор қабул қилиш;

2. Ишда иштирок этувчи шахсларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган ҳолда, қонуний ва асослантирилган суд ҳужжати қабул қилиш.

Юқоридагиларга асосан иш бўйича қабул қилинган 2017 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилинди ва иш янгидан кўриб чиқиш учун Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судига юборилди.

ИСХ 11-1711/6780-сонли иш